

O'ZBEKISTON BUNYODKORI

ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

Строитель Узбекистана

UZBUNYODKOR


t.me/uzbunyodkor

uzbunyodkori@mail.uz

№29 (378)

2020 йил 17 апрель, жума

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.



САНОАТ ТАРМОҚЛАРИДА БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ЧОРАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 16 апрель куни кимё, агротехника ва автомобиль саноати корхоналарида ишлаб чиқариш суръатларини таъминлаш ҳамда янги лойиҳаларни амалга ошириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Маълумки, коронавирус пандемияси барча мамлакатлар иқтисодиётига катта зарар етказмоқда. Халқаро валюта жамғармаси ҳисоботида маълум қилинишича, бу йил жаҳон иқтисодиёти кўрсаткичлари камида 3 фоизга пасайиши кутиляпти.

Шундай мураккаб даврда Ўзбекистонда иқтисодий барқарорликни сақлаб қолиш ва аҳоли даромадлари камайиб кетмаслигини таъминлаш учун барча резервлар ишга солинмоқда. Зарур чора-тадбирлар умумий ёндашув асосида эмас, ҳар бир тармоқ бўйича алоҳида белгиланаётди. Уларга ёрдам бериш, муаммоларни кундалик ҳал қилиш учун Президент Администрацияси, ҳукумат, вазирлик ва идоралар раҳбарлари 128 та йирик ишлаб чиқариш корхонасига бириктирилган.

Кимё саноати мавжуд қувватларни сақлаб қолиш билан бирга янги ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун барча имкониятларга эга. Аммо тармоқдаги бугунги ҳолатга йиғилишда танқидий баҳо берилди.

Қайд этилишича, жорий йилда 9 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш ва 280 миллион долларлик экспорт режалаштирилган. Бунга эришиш учун «Ўзкимёсаноат» акциядорлик жамияти тармоқдаги корхоналар фаолиятига кўмаклашиб, талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажминини ошириши зарурлиги таъкидланди.

Хусусан, яқин бир ойда «Навоийазот» акциядорлик жамиятидаги поливинилхлорид корхонаси қувватини 90 фоизга етказиш, азот кислотаси ишлаб чиқариш лойиҳасини фойдаланишга топшириш вазифаси қўйилди.

Ҳозирги эпидемиологик вазият боис тозалаш ва дезинфекция воситаларига талаб ошган. Хусусан, қўшни давлатлардан 2 минг тонна гипохлоритга буюртма келиб тушган. Шунингдек, тоғ-кон металлургия саноати учун муҳим бўлган цианид тузларига ҳам эҳтиёж ортмоқда.

Шу боис имкониятларни тўлиқ сафарбар этиш орқали ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш, мавжуд қувватларни модернизация қилишга қаратилган янги лойиҳалар тайёрлаш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Ташқи бозорда маҳсулотларимиз рақобатбардошлигини ошириш учун транспорт харажатларини камайтириш, ҳамкор давлатлар билан келишиб, темир йўл орқали ташиниш қўлайликлар яратиш муҳимлиги таъкидланди.

Президентнинг Шавкат Мирзиёев ўтган йили 12 июльда Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводида бўлиб, мутахассислар билан тармоқдаги муаммоларни муҳокама қилган эди. Ундаги ҳулоса ва таҳлиллар асосида 31 июль куни давлатимиз раҳбарининг «Қишлоқ хўжалиги машинасозлигини жадал ривожлантириш, аграр секторни қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Ўтган вақт мобайнида бу борада муайян ишлар амалга оширилди.

Йиғилишда техникаларни ўз вақтида сотиш учун харидор билан ишлаш тизимини ривожлантириш, фермер ва деҳқонларга бу борада кредит имтиёзлари бериш зарурлиги қайд этилди. «Ўз-агротехсаноатхолдинг» компаниясига қишлоқ хўжалиги техникаларини электрон буюртма асосида сотиш тизимини жорий этиш вазифаси қўйилди.

Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан тайёрланган қишлоқ хўжалиги машиналари сифати ва нархи танқид қилинди, бу жиҳатда улар хорижий билан рақобатбардош эмас. Техника қиммат бўлса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархига ҳам таъсир қилади.

Шу муносабат билан ҳамма техника нарх-навосини таҳлил қилиш асосида ишлаб чиқаришни оптималлаштириш, металл қуйиш қувватларини тезроқ ишга тушириб, маҳаллийлаштириш даражасини ошириш бўйича топшириқлар берилди.

– Маҳаллийлаштиришдан мақсад, ўзимизнинг қишлоқларга мос, деҳқонларга тўғри келадиган ҳамёнбоп миллий тракторлар ишлаб чиқариш, – деди Шавкат Мирзиёев.

Пахта теримини механизациялашни жадаллаштириш, жорий йил сентябргача жойларга камида 1 000 та пахта териш машинаси етказиб бериш, барча ҳудудларда сервис марказлари ташкил этиш вазифаси белгиланди.

Бутун дунёда пандемиядан энг катта зарар кўрган тармоқлардан бири автомобилсозлик бўлмоқда.

Бундай шароитда корхоналарнинг барқарор ишлашини таъминлаш учун, аввало, ички бозор имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш зарур. Масалан, мамлакатимизда эҳтиёт ва бутловчи қисмлар бозори 500 миллион долларни ташкил этади. Маҳаллий маҳсулотларнинг ундаги улуши эса, атиги 9 фоиз.

«Ўзавтосаноат2» акциядорлик жамиятига жорий йил якунига қадар 300 турдаги импорт бутловчи қисмларни ўзлаштириб, хорижийкидек сифатли ишлаб чиқариш вазифаси қўйилди.

Автомобилларнинг янги моделларини ишлаб чиқиш, автокредит бераётган тижорат банкларини рағбатлантириш бўйича кўрсатмалар берилди.

«SamAuto» ва «MAN» заводларида махсус техникалар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр тармоқда талаб кузатилаётган янги турларни ўзлаштириш яхши самара бериши таъкидланди.

Автосаноат маҳсулотлари экспортини ошириш масаласига ҳам тўхталиб ўтилди. Ишлаб чиқаришдан тортиб, савдо ва сервис хизматигача бўлган барча жараёнларни рақамлаштириш орқали сифатни назорат қилиш, маҳсулотга ишончни ошириш, очiq-ошкораликни таъминлаш муҳимлиги қайд этилди.

Видеоселектор йиғилишида кимё, агротехника ва автомобиль саноати тармоқлари мутасаддилари, йирик корхоналар раҳбарлари ахборот берди.

Ў.А.

БУГУНГИ СОНДА:



2-3

Қурилиш
объектлари
учун тендер
савдолари



4

ҒАЛАБА БОҒИ
қурилишида пойтахт
энергетикаларининг
ҳиссаси



Поп туманида ҳам карантин ҳудуди барпо этилмоқда

Дунёга хавф солган коронавирус пандемиясига қарши кураш барча давлатларда давом этмоқда.

Бу борада Ўзбекистонда ҳам пухта ўйланган режа асосида, барча ишлар ташкил этилиб олиб боришмоқда. Буни Президентимизнинг топшириқлари билан қисқа фурсатда қурилиб, фойдаланишга топширилган Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманидаги карантин ҳудуди, Зангиота туманидаги махсус шифохона ва пойтахтимиздаги бир нечта касалхоналарнинг қурилиши мисолида кўриш мумкин.

COVID-2019 вируси хавфи кучайиб бораётган пайтда унга қарши кураш ишлари мамлакатимизнинг барча ҳудудларида жадал суръатларда олиб боришмоқда.

Хусусан, Наманган вилоятининг Поп туманидаги «Миришкор» МФЙ ҳудудида ҳам карантин ҳудуди қад ростлайдиган бўлди. Бу масалада мамлакатимизнинг ўз тажрибаси бор. Қуни кеча Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазири Ботир Закиров ва Наманган вилояти ҳокими Хайрулло Бозоров ҳамда тегишли вазирликлар мутасаддилари иштирокида мазкур қурилишга старт берилди.

Ушбу мажмуанинг лойиҳа ҳужжатлари «Қишлоққурилишлойиҳа» МЧЖ томонидан тайёрланиб экспертизадан ўтказилган. Карантин ҳудудида ишлатиладиган матери-

алларнинг тўқсон фоизи маҳаллийлаштирилган. Шифохона бўлимлари, маъмурият, қабулхона-ташхислаш, лаборатория, дорихона марказий стерилизация, жаррохлик, жонлантириш, стационар палаталар, шифохона ва техник ходимларнинг яшаш жойлари энг замонавий ҳолатда қурилиши лойиҳа тақдидотида таъкидланди. Қурувчиларга иш жараёнида лойиҳа талаблари ҳамда карантин қоидаларига амал қилган ҳолда шифо масканини ўн кун ичида қуриб битказилиши бўйича мутасадди раҳбарлар томонидан кўрсатмалар берилди.

Ҳудудда икки кун ичида тупроқ ишлари ниҳоясига етказилди. Ҳозир бу ерда иш қизиган. 150 ўринли махсус шифохона, 1200 ўринли карантин ҳудуди учун қарий 16 гектар ер ажратилган.

Ўз муҳбиримиз.

Пенсияларнинг пластик картага тушиши қонун ҳужжатларига зидми?

Пенсия ва нафақаларнинг пластик картага тушишига оид Махсус комиссиянинг қарори ижтимоий тармоқларда турли баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда.

Шу муносабат билан ушбу масалага бироз ойдинлик киритиш мақсадага мувофиқ.

Нега пенсияларни пластик карточкага туширишга қарор қилинди?

Маълумки, коронавирус пандемияси муносабати билан қатор чекловлар ўрнатилди, ўрнатилмоқда. Жумладан, жиддий заруратсиз кўчага чиқмаслик, «ўзини яқкалаш» ҳаёт тарзига амал қилиш талаб этилмоқда.

Бунда кекса ёшдаги фуқаролар ҳимоясига алоҳида эътибор қаратилиб, 65 ёшдан ошган ва сурункали касаллиги бўлган фуқаролар ўз уйларида жиддий заруратсиз ташқарига чиқиши қатъиян ман этилди. Сабаби – ушбу тоифа инсонлар касалликка тезроқ чалинади ва ундан тузалиб кетиши қийин кечади.

Ўтказиш йўли билан амалга ошириш имконияти мавжуд.

Шу сабаб, Махсус комиссия томонидан пенсионер ва нафақахўрларнинг саломатлигини сақлаш мақсадида, республикадаги эпидемиологик ҳолат барқарорлашгунга қадар май ойидан пенсия ва нафақаларни тўлиқлигича пластик карталарга ўтказиш чорасини кўришга қарор қилинди.

Махсус комиссия бундай қарор қабул қилишга ваколатлими?

Маълумки, Президентнинг тегишли қароридан 2017 йилнинг февраль ойидан бошлаб барча турдаги пенсияларнинг бутун мамлакат ҳудудида ҳеч қандай чекловларсиз тўлиқ ҳажмда нақд шаклда берилиши белгиланган.

Бир қарашда Махсус комиссиянинг қарори Президентнинг ушбу қарорига зиддай кўринади. Лекин аслида-чи?

Республикада январь ойидаёқ, яъни вирус ҳали бизда қайд этилмаган пайтдаёқ, вируснинг кириб келишининг олдини олиш унга қарши курашиш бўйича Президентнинг те-

гишли фармойишига асосан Махсус комиссия ташкил этилган.

Ушбу комиссиянинг коронавирус инфекциясига қарши кураш билан боғлиқ барча масалаларни мувофиқлаштириш ва зарур ҳолларда қўшимча кечиктириб бўлмайдиган тадбирларни амалга ошириш бўйича қарор қабул қилиши белгиланди.

Яъни, бутун дунёга катта талафот келтираётган ушбу вирус билан самарали курашиш мақсадида Махсус комиссияга Президент ва ҳукумат томонидан шундай ваколатлар берилди.

Шу билан бирга Махсус комиссиянинг пенсияларни пластик картага туширишга оид қароридан ушбу тадбирлар фақатгина пенсионер ва нафақахўрларнинг саломатлигини сақлаш мақсадида ҳамда республикадаги эпидемиологик ҳолат барқарорлашгунга қадар, яъни вақтинча амалга оширилаётганлиги таъкидланган.

Картадаги пенсия пуллари нақдлаштирилганда фоизлар олинади?

Марказий банкнинг берган маълумотларига кўра, Халқ банки банкوماتларидан маблағларни нақдлаштириш бепул амалга оширилади. Республикада мавжуд банкوماتларнинг эса асосий қисмини Халқ банки банкوماتлари ташкил қилади.

Шу билан бирга, қуни кеча бўлиб ўтган он-лайн-брифингда Марказий банк раҳбарияти томонидан бошқа банкларнинг банкوماتлари орқали ҳам пенсионерларнинг карталаридаги пуллари нақдлаштиришда комиссия тўловининг ундирилмаслиги ёки ушбу тўловнинг қисқартирилиши бўйича техник имкониятлар ўрганилаётганлиги маълум қилинди.

Маълумот ўрнида: Махсус комиссиянинг юқоридаги қарори билан, тегишли ташкилотларга барча ҳудудларни нақд пул олиш имконини берувчи банкوماتлар билан ҳамда уларни нақд пул билан таъминлаш бўйича топшириқ берилди.

Дилором ИБРАГИМОВА,
Адлия вазирлиги масъул ходими.

БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Спорт вазирлигининг
«Спорт объеклари инфратузилмасини ривожлантириш инжиниринг компанияси» ДУК

ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Т/р	Объект номи	Объектнинг бошланғич нархи ҚҚС билан, сўмда	Қурилиш муддати	www.xarid.uz махсус ахборот порталидаги лот рақами
1.	Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳридаги Олимпия захираси махсус мактаб-интернати ўқув корпусини капитал таъмирлаш	3 164 521 730	180 кун	№ 7006050
2.	Андижон вилояти, Андижон шаҳридаги Олимпия захиралари махсус интернат-мактабнинг спорт манежини реконструкция қилиш	5 667 170 629	225 кун	№ 7006043
3.	Андижон вилояти, Андижон туманидаги Болалар, ўсмирлар спорт мактабига спорт комплекси қуриш (спортзал, ёрдамчи бинолар ҳамда 900 ўринли стадион)	7 895 948 584,29	240 кун	№ 7006606
4.	Бухоро вилояти, Пешку тумани, «Янги бозор» МФИдаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби стадионини реконструкция қилиш	2 405 603 044	210 кун	№ 7006545
5.	Бухоро вилояти, Қоровулбозор туманидаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактабини реконструкция қилиш	2 601 101 076	240 кун	№ 7006770
6.	Жиззах вилояти, Мирзачўл туманидаги Болалар ва ўсмирлар мактабига 18х30 метр ўлчамдаги спортзал қуриш	2 101 580 059	210 кун	№ 7006184
7.	Жиззах вилояти, Зарбдор тумани, «Бўстон» қўрғонидagi Болалар ва ўсмирлар спорт мактабига 18х30 метр ўлчамдаги сандвич панелли спортзал ва ёрдамчи биноларни қуриш	1 987 066 821	225 кун	№ 7006766
8.	Жиззах вилояти, Зомин туманидаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактабига 18х30 метр ўлчамдаги сандвич панелли спортзал ва ёрдамчи биноларни қуриш	2 111 609 327	210 кун	№ 7006766
9.	Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳридаги ихтисослаштирилган Олимпия захиралари мактаб-интернатининг дзюдо ва енгил атлетика залларини капитал таъмирлаш	3 284 007 950	120 кун	№ 7006778
10.	Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳридаги спортнинг яккакураш турига ихтисослаштирилган Болалар ва ўсмирлар спорт мактабига «КУРАШ» спорт комплекси қуриш (18х42 метр ўлчамли сандвич панелли спортзал, икки қаватли ёрдамчи бинолар ва томошабинлар жойи билан)	3 439 457 247	225 кун	№ 7006595
11.	Қашқадарё вилояти, Қамаш тумани, «Мангит» МФИ худудига жойлашган Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби стадионини реконструкция қилиш	2 030 873 981	150 кун	№ 7007155
12.	Қашқадарё вилояти, Муборак туманидаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактабига 18х30 метр ўлчамдаги спортзал ва ёрдамчи биноларни қуриш	2 475 020 705	210 кун	№ 7006586
13.	Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Тинчлик кўчаси 5-уйда жойлашган Олимпия захиралари махсус интернат мактабига 400 ўринли ётоқхона биноси қурилиш	11 604 052 191	510 кун	№ 7006138
14.	Наманган вилояти, Наманган шаҳри, 5- кичик туманда жойлашган 1-сонли БЎСМни реконструкция қилиш ҳамда 18х42 метр ўлчамдаги спортзал ва ёрдамчи биноларни қуриш	2 530 914 192	210 кун	№ 7007216
15.	Самарқанд вилояти, Тайлоқ туманидаги Олимпия захираси махсус мактаб-интернати ўқув корпусини капитал таъмирлаш	3 305 519 418	180 кун	№ 7006753
16.	Самарқанд вилояти, Пайариқ туманидаги 2-сонли Болалар ва ўсмирлар спорт мактабига 18х42 метр ўлчамли сандвич панелли спортзал қуриш	2 954 680 744	210 кун	№ 7006365
17.	Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳридаги енгил атлетика ва теннисга ихтисослаштирилган Болалар ва ўсмирлар спорт мактабини реконструкция қилиш (2-этап)	2 376 754 745,36	210 кун	№ 7006743
18.	Сурхондарё вилояти, Саросиё туманидаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг асосий базасини реконструкция қилиш	5 059 937 598	240 кун	№ 7006720
19.	Сурхондарё вилояти, Шеробод туманидаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг стадион ва спорт залини реконструкция қилиш	2 861 544 375	210 кун	№ 7006228
20.	Сирдарё вилояти, Ширин шаҳридаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби академик эшак эшиш базасини реконструкция қилиш	2 805 148 124	215 кун	№ 7006274
21.	Тошкент вилояти, Тошкент тумани, «Қизғалдоқ» қўрғони худуди, К. Ғофуров кўчаси, 17-уйда жойлашган замонавий спорт комплекс мактабини қуриш	4 480 007 210	240 кун	№ 7006721
22.	Фарғона вилояти, Фарғона шаҳридаги Олимпия захиралари махсус мактаб-интернатининг спорт залини ҳамда манеж юмшоқ том ёппасини капитал таъмирлаш	3 035 485 925	180 кун	№ 7006034
23.	Фарғона вилояти, Бешариқ тумани, Рапқон қишлоғидаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактабига 18х30 метр ўлчамдаги сандвич панелли спортзал ва ёрдамчи биноларни қуриш, мавжуд стадионни капитал таъмирлаш йўли билан реконструкция қилиш	4 084 802 286	225 кун	№ 7006617
24.	Фарғона вилояти, Бувайда туманидаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг мавжуд биноларини реконструкция қилиш ҳамда 18х30 метр ўлчамдаги сандвич панелли спортзал ва ёрдамчи биноларни қуриш	3 386 921 264	210 кун	№ 7006620
25.	Тошкент шаҳар Ависозлар кўчасида жойлашган 50х25 метр ўлчамли ёпиқ сузиш ҳавзаси қурилишини аяунлаш	17 645 945 631	510 кун	№ 7006717
26.	Тошкент шаҳри, Чилонзор туманидаги Республика ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатини реконструкция қилиш	37 503 012 762	540 кун	№ 7007198

Буюртмачи: Ўзбекистон Республикаси Спорт вазирлигининг «Спорт объеклари инфратузилмасини ривожлантириш инжиниринг компанияси» ДУК.

Молиялаштириш манбаси: давлат бюджетидан маблағлари ҳисобидан.

Даъвогар сифатида тендерда иштирок этмокчи бўлган корхоналар ва ташкилотлар қўйидаги талабларга жавоб бериши зарур: айланма маблағлари танлов савдоси предметининг 20 фаздан кам бўлмаслиги ёки кўрсатилган маблағларни тақдим этиш бўйича банк кафолати, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш базалари, меҳнат ресурслари ва мутахассисларига, танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш бўйича иш тажрибаси, шартнома тузиш бўйича фуқаролик ҳуқуқдорлиги ва ваколатларига эга бўлиш.

Танлов савдосида мамлакатимиз ва хорижлик қурилиш ташкилотлари қатнашган ҳолларда танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчилари учун қўйидаги нархга оид имтиёзлар кўзда тутилган: улар бўйича импорт қилувчилар қонунчиликка мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод қилинадиган тақдирда танлов иштирокчиларининг танлов таклифлари ишлар (хизматлар)ни импорт етказиб беришда кўрсатилган солиқ суммасига қўшимча ҳисобланган ҳолда баҳоланади.

Иштирокчи тендерда қатнашиш тўғрисидаги таклифи ва танлов ҳужжатлари бўйича сўровномалар билан танлов ташкилотчиси «Stroy Konsalting Servis» масъулияти чекланган жамиятининг қўйидаги маъноли бўйича муурожаат этиши мумкин: Тошкент шаҳар Шахрисабз кўчаси, 16-«а» уй («Узагросанатлоийха» МЧЖнинг маъмурий биноси), 504-хона. Тел.: 71-256-16-93, 99 887-90-78.

Тасдиқланган тендер ҳужжатларини буюртмачи томонидан жойлаштирилган давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталидан юклаб олиш мумкин.

Таклифлар тендер ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда тендер савдолари очик деб эълон қилинишига бир соат қолгунга қадар қабул қилинади.

Оферталарни очиш www.xarid.uz махсус ахборот порталида эълон берилган кундан бошлаб 15 кундан кейин қўйидаги манзилда амалга оширилади: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 2, Ўзбекистон Республикаси Спорт вазирлиги биноси.

Хиёбонда

янги меҳмонхона

Самарқандга ташриф буюрадиган минг-минглаб хорижлик сайёҳлар, юртимиз фуқаролари қадимий ва ҳамиша навқирон шаҳарнинг табаррук қадамжолари, нодир обори атиқаларини зиёрат қилиш баробарида, кўҳна кентнинг замонавий қиёфаси, обод ва сўлим гўшаларидан баҳраманд бўлиши табиий.

Ана шундай кўркем манзиллардан бири, шубҳасиз, Университет хиёбони ҳисобланади. Чунки бу ердаги турфа манзарали ва ноёб дарахтлар, соя-салқин йўлаклар, атрофдаги муҳташам иншоотлар ҳар қандай киши қалбига тасалли бағишлайди, кўнгиллар ором олади. Бироқ, кўпдан бери, аниқроғи ўтган асрнинг 90-йилларида ўз фаолиятини тўхтатиб, харобага айланган тажриба-механика заводи биноси шаҳар ҳуснидаги доғдек кўпчиликнинг гашига тегаётган эди. Талон-тарож бўлган ташландиқ корхона узок вақт давомида шаҳар мутасаддилари эътиборидан четда қолгани ҳам рост гап.

Яқинда Самарқанднинг жонкуяр ишбилармони Насиба Муҳиддинова ана шу «сукутатни бузиш», камчиликка барҳам бериш мақсадида иморатни ўз қарамоғига олиб, намунали меҳмонхона ташкил этиш ташаббуси билан чиқди. Унинг саъй-ҳаракатини раҳбарлар, мутахассислар қўллаб-қувватлаб, ҳужжатларни расмийлаштириш учун барча ёрдамни беришди.

— Онам асли бинокорлик касбини танлаган аёллардан, — дейди ишбилармон аёлнинг катта ўғли Жаҳонгир. — Самарқанд архитектура-қурилиш институтини тамомлаб, бир муддат шу олийгоҳда ишлаган. Кейинчалик тадбиркорликка қўл уриб, шаҳар ободончилигига ҳисса қўшган. Мана, эндиликда отам Насим Муҳаммадиев ва биз, 6 нафар фарзанд мадади билан оилавий меҳмонхонага асос солишга киришдилар. «Профил первент» МЧЖ лойиҳачилари режа-сметаларни тузиб беришган бўлса, «Перфект консилиум» МЧЖ бинокорлари қайта тиклаш ва таъмирлаш ишларини билан банд.

Айтиш жоизки, айни пайтда «Насиба-хоним отел» деб номланадиган янги меҳмонхонада ишлар жадал суръатда давом эттирилмоқда. Қурувчилар мазкур қошона хиёбондаги бошқа иморатларга уйғун ва монанд бўлишига алоҳида эътибор бермоқдалар.

Ҳамза ШУКУРОВ,
«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.

БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ҳузуридаги
«Инфратузилмани ривожлантириш бўйича инжиниринг компанияси» ДУК Андижон вилояти филиали

ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

1. Андижон тумани, «Янгиобод» МФИдаги 12-сонли мактабгача таълим муассасасини реконструкция қилиш.
Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 1 326 776 653 сўм.
Ишларни тугаллаш муддати — 100 кун.
2. Андижон шаҳридаги 3-сонли мактабгача таълим муассасасини реконструкция қилиш.
Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 4 609 440 377 сўм.
Ишларни тугаллаш муддати — 160 кун.
3. Андижон шаҳридаги 7-сонли мактабгача таълим муассасасини реконструкция қилиш.
Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 3 035 157 987 сўм.
Ишларни тугаллаш муддати — 130 кун.
4. Андижон шаҳридаги 70-сонли мактабгача таълим муассасасини реконструкция қилиш.
Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 5 305 953 217 сўм.
Ишларни тугаллаш муддати — 180 кун.
5. Андижон тумани, «Куйганёр» МФИдаги 2-сонли мактабгача таълим муассасасини реконструкция қилиш.
Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 6 182 209 495 сўм.
Ишларни тугаллаш муддати — 200 кун.
6. Андижон тумани, «Шарқ Юлдузи» МФИдаги 36-сонли мактабгача таълим муассасасини реконструкция қилиш.
Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 5 431 208 920 сўм.
Ишларни тугаллаш муддати — 180 кун.
7. Аска тумани, «Тажриба» МФИдаги 6-сонли мактабгача таълим муассасасини реконструкция қилиш.
Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 4 656 231 636 сўм.
Ишларни тугаллаш муддати — 160 кун.
8. Аска тумани, «Қадим» МФИдаги 4-сонли мактабгача таълим муассасасини реконструкция қилиш.
Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 3 711 445 176 сўм.
Ишларни тугаллаш муддати — 140 кун.
9. Аска тумани, «Қипчақ» МФИдаги фаолият юритмаётган мактабгача таълим муассасасини биносини реконструкция қилиш.

Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 3 782 088 215 сўм.
Ишларни тугаллаш муддати — 140 кун.
10. Балиқчи тумани, «Мумтоз» МФИдаги 16-сонли мактабгача таълим муассасасини реконструкция қилиш.
Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 5 345 159 240 сўм.
Ишларни тугаллаш муддати — 200 кун.
11. Балиқчи тумани, «Дўнгсарой» МФИдаги 29-сонли мактабгача таълим муассасасини реконструкция қилиш.
Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 3 263 999 525 сўм.
Ишларни тугаллаш муддати — 130 кун.
12. Бўз тумани, «Таффакур» МФИдаги фаолият юритмаётган 5-сонли мактабгача таълим муассасаси биносини реконструкция қилиш.
Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 3 057 804 482 сўм.
Ишларни тугаллаш муддати — 130 кун.
13. Булоқбоши туманидаги 17-сонли мактабгача таълим муассасасини реконструкция қилиш.
Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 4 752 596 714 сўм.
Ишларни тугаллаш муддати — 160 кун.
14. Булоқбоши тумани, «Раиш» МФИдаги фаолият юритмаётган 19-сонли мактабгача таълим муассасаси филиали биносини реконструкция қилиш.
Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 2 396 630 108 сўм.
Ишларни тугаллаш муддати — 110 кун.
15. Избоскан тумани, «Жонобод» МФИдаги 48-сонли мактабгача таълим муассасасини реконструкция қилиш.
Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 3 649 379 019 сўм.
Ишларни тугаллаш муддати — 140 кун.
16. Избоскан туманидаги фаолият юритмаётган 33-сонли мактабгача таълим муассасаси биносини реконструкция қилиш (90 ўринли ошхона биноси қурилиши).
Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 3 282 859 280 сўм.
Ишларни тугаллаш муддати — 160 кун.
17. Олтинкўл тумани, «Мадиробод» МФИ-

даги 27-сонли мактабгача таълим муассасасини реконструкция қилиш.
Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 3 103 216 136 сўм.
Ишларни тугаллаш муддати — 130 кун.
18. Жалакудуқ тумани, «Кўртқи» МФИдаги фаолият юритмаётган 35-сонли мактабгача таълим муассасаси биносини реконструкция қилиш.
Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 2 516 036 636 сўм.
Ишларни тугаллаш муддати — 130 кун.
19. Жалакудуқ тумани, «Ўзбекистон 5 йиллиги» МФИдаги фаолият юритмаётган мактабгача таълим муассасаси биносини реконструкция қилиш.
Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 3 125 618 471 сўм.
Ишларни тугаллаш муддати — 130 кун.
20. Жалакудуқ тумани, «Катта Полвон» МФИдаги 28-сонли мактабгача таълим муассасасини реконструкция қилиш.
Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 3 165 151 898 сўм.
Ишларни тугаллаш муддати — 130 кун.
21. Марҳамат тумани, «Шахрисабз» МФИдаги 3-сонли мактабгача таълим муассасасини реконструкция қилиш.
Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 3 304 856 940 сўм.
Ишларни тугаллаш муддати — 130 кун.
22. Марҳамат тумани, «Шўрқақир» МФИдаги 7-сонли мактабгача таълим муассасасини реконструкция қилиш.
Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 3 800 792 227 сўм.
Ишларни тугаллаш муддати — 140 кун.
23. Марҳамат тумани, «Жийдамозор» МФИдаги 16-сонли мактабгача таълим муассасасини реконструкция қилиш.
Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 3 373 329 562 сўм.
Ишларни тугаллаш муддати — 130 кун.
24. Пахтаобод тумани, «Миян» МФИдаги 1-сонли мактабгача таълим муассасасини реконструкция қилиш (оптимизация).
Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 3 057 804 482 сўм.
Ишларни тугаллаш муддати — 130 кун.

25. Пахтаобод тумани, «Маданият» МФИдаги 4-сонли мактабгача таълим муассасасини реконструкция қилиш (оптимизация).
Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 3 649 379 019 сўм.
Ишларни тугаллаш муддати — 140 кун.
26. Улуғнор тумани, «Гулистон» МФИдаги 10-сонли мактабгача таълим муассасасини реконструкция қилиш.
Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 2 636 097 194 сўм.
Ишларни тугаллаш муддати — 110 кун.
27. Улуғнор тумани, «Ўзбекистон» МФИдаги 15-сонли мактабгача таълим муассасасини реконструкция қилиш.
Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 2 569 216 343 сўм.
Ишларни тугаллаш муддати — 110 кун.
28. Хўжаобод тумани, «Карнайчи» МФИдаги 8-сонли мактабгача таълим муассасасини реконструкция қилиш.
Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 2 378 133 312 сўм.
Ишларни тугаллаш муддати — 110 кун.
29. Хўжаобод тумани, «Янги Фарғона» МФИдаги 18-сонли мактабгача таълим муассасасини реконструкция қилиш.
Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 4 645 070 153 сўм.
Ишларни тугаллаш муддати — 160 кун.
30. Шахрихон тумани, «Бўстон» МФИдаги фаолият юритмаётган 33-сонли мактабгача таълим муассасаси филиали биносини реконструкция қилиш.
Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 2 444 959 047 сўм.
Ишларни тугаллаш муддати — 110 кун.
31. Шахрихон тумани, «Найман» МФИдаги фаолият юритмаётган 29-сонли мактабгача таълим муассасаси филиали биносини реконструкция қилиш.
Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 3 100 217 157 сўм.
Ишларни тугаллаш муддати — 130 кун.
32. Қўрғонтепа тумани, «Эшонобод» МФИдаги фаолият юритмаётган 17-сонли мактабгача таълим муассасаси биносини реконструкция қилиш.

Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 3 097 852 702 сўм.
Ишларни тугаллаш муддати — 130 кун.
33. Қўрғонтепа тумани, «Нафосат» МФИдаги фаолият юритмаётган 30-сонли мактабгача таълим муассасаси биносини реконструкция қилиш.
Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 2 322 848 498 сўм.
Ишларни тугаллаш муддати — 110 кун.
Буюртмачи: Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ҳузуридаги «Инфратузилмани ривожлантириш бўйича инжиниринг компанияси» ДУК Андижон вилояти филиали.
Манзили: Андижон шаҳар Истиклол кўчаси, 23-уй.
Тел.: (74) 225-50-16.
Молиялаштириш манбаси: Давлат бюджет маблағлари ҳисобидан.
Тендер иштирокчилари иш (хизмат)ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлигига, мутахассисларнинг етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлишлари шарт.
Таклифларни баҳолашда иштирокчиларнинг тендер таклифлари қонун ҳужжатларига мувофиқ қўйилган қиймат солиғидан озод қилинган импорт қилувчиларнинг товар (иш, хизмат) лари қўйилган қиймат солиғи суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.
Иштирокчи тендерда қатнашиш тўғрисидаги таклифи ва тендер ҳужжатлари бўйича сўровномалар билан тендер ташкилотчиси Андижон вилояти қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказининг қўйидаги манзили бўйича муурожаат этиши мумкин: Андижон шаҳри, А. Навоий шоҳкўчаси, 30-уй.
Тел./факс: 74-223-57-05.
Тасдиқланган тендер ҳужжатларини буюртмачи томонидан жойлаштирилган давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталидан юклаб олиш мумкин.
Тендер таклифлар очилиши dxarid.uz махсус ахборот порталида эълон чоп этилган санадан бошлаб 15 кундан кейин қўйидаги манзилда ўтказилади: Андижон шаҳар Истиклол кўчаси, 23-уй, буюртмачи биноси.

БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси «Ягона буюртмачи хизмати «Inkom Kapital Qurilish» инжиниринг компанияси

ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

T/p	Объект номи	Объектнинг бошланғич нархи, сўмда	Қурилиш муддати	www.xarid.uz махсус ахборот порталидаги лот рақами
1.	Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек туманида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Биоорганик кимё институтини капитал таъмирлаш	4 090 396 406 сўм ҚҚС билан; 3 556 866 440 сўм ҚҚСсиз	225 кун	№ 7008038
2.	Тошкент шаҳрининг Олмазор туманида жойлашган тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институтини капитал таъмирлаш	2 094 287 466 сўм ҚҚС билан; 1 821 119 535 сўм ҚҚСсиз.	115 кун	№ 7006852
3.	Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани Дўрмон йўли кўчасида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг У. А. Арифов номидаги ИОН-плазма ва лазер технологиялари институти биноларини капитал таъмирлаш	5 132 714 486 сўм ҚҚС билан; 4 463 229 987 сўм ҚҚСсиз	165 кун	№ 7006851
4.	Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек туманида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Умумий ва ноорганик кимё институтини биносини капитал таъмирлаш	2 458 282 436 сўм ҚҚС билан; 2 137 636 900 сўм ҚҚСсиз	165 кун	№ 7006844
5.	Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур туманида жойлашган Пиллачилик илмий-тадқиқот институтини капитал таъмирлаш	3 030 934 184 сўм ҚҚС билан; 2 635 594 942 сўм ҚҚСсиз	180 кун	№ 7006853
6.	Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси В. И. Романов номидаги Математика институти биноларини капитал таъмирлаш	3 860 661 143 сўм ҚҚС билан; 3 357 096 646 сўм ҚҚСсиз	245 кун	№ 7006846
7.	Ўртачирчиқ тумани, Авангард қишлоғида жойлашган Гуруч ишлаб чиқариш илмий-тадқиқот институти биносини капитал таъмирлаш	846 349 641 сўм ҚҚС билан; 735 956 209 сўм ҚҚСсиз.	50 кун	ТАНЛОВ № 7007278
8.	Қашқадарё вилоятидаги Астрономия институтининг Майданак комплекси юқори баландликдаги астрономик расадхоналарини капитал таъмирлаш	1 152 036 250 сўм ҚҚС билан; 1 001 770 652 сўм ҚҚСсиз.	90 кун	ТАНЛОВ № 7007280

Буюртмачи: Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси «Ягона буюртмачи хизмати «Inkom Kapital Qurilish» инжиниринг компанияси.

Молиялаштириш манбаси: давлат бюджетини маблағлари ҳисобидан.

Давъогар сифатида тендерда иштирок этмоқчи бўлган корхоналар ва ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб беришлари зарур: айланма маблағлари танлов савдоси предметининг 20 фоиздан кам бўлмаслиги ёки кўрсатилган маблағларни тақдим этиш бўйича банк кафолати, ишлар (хизматлар) ни бажариш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш базалари, меҳнат ресурслари ва мутахассисларига, танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш бўйича қурилиш таъмири, шартнома тузиш бўйича фуқаролик ҳуқуқдорлиги ва ваколатларига эга бўлиш.

Тендер (танлов) савдосида мамлакатимиз ва хорижлик қурилиш ташкилотлари қатнашган ҳолларда танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нархга оид имтиёзлар кўзда тутилган: улар бўйича импорт қилувчилар қонунчилигига мувофиқ қўшимча қиймат

солиғидан озод қилинадиган тақдирда танлов иштирокчиларининг танлов таклифлари ишлар (хизматларни) импорт етказиб беришда кўрсатилган солиқ суммасига қўшимча ҳисобланган ҳолда баҳоланади.

Иштирокчи тендерда қатнашиш тўғрисидаги таклифи ва танлов ҳужжатлари бўйича сўровномалар билан танлов ташкилотчиси «Stroy Konsalting Servis» масъулияти чекланган жамиятининг қуйидаги манзили бўйича мурожаат этиши мумкин: Тошкент шаҳар Абай кўчаси, 6-уй, 705-хона.

Тел.: 71-256-16-93, 71-244-12-17, 99-484-56-66.

Тасдиқланган тендер ҳужжатларини буюртмачи томонидан жойлаштирилаётган давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталидан юклаб олиш мумкин.

Таклифлар тендер ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда www.xarid.uz махсус ахборот порталида эълон берилган санадан бошлаб 15 календар кун (танлов бўйича 10 календар кун) мобайнида қабул қилинади.

Оферталарни очиш www.xarid.uz махсус ахборот порталида эълон берилган санадан бошлаб 15 кундан кейин амалга оширилади.

БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

T/p	Объект номи	Объектнинг бошланғич нархи, сўмда	Қурилиш муддати	www.xarid.uz махсус ахборот порталидаги лот рақами
1.	Тошкент шаҳар Учтепа тумани, Маннон Уйғур кўчасида ўт ўчириш депосини қуриш	8 543 263 814 сўм ҚҚС билан; 7 428 925 055 сўм ҚҚСсиз	180 кун	№ 7005395
2.	Тошкент шаҳар Сергели тумани, «Чоштепа» массивидаги оилавий поликлиника биносини қуриш	12 779 811 641 сўм ҚҚС билан; 11 112 879 689 сўм ҚҚСсиз	2020 йил 31 декабрга қадар	№ 7005371
3.	Тошкент шаҳар Сергели тумани, «Қипчоқ» массивидаги оилавий поликлиника биносини қуриш	12 604 058 385 сўм ҚҚС билан; 10 960 050 769 сўм ҚҚСсиз	2020 йил 31 декабрга қадар	№ 7005358

Буюртмачи: Тошкент шаҳар ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

Молиялаштириш манбаси: давлат бюджетини маблағлари ҳисобидан.

Давъогар сифатида тендерда иштирок этмоқчи бўлган корхоналар ва ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб беришлари зарур: айланма маблағлари танлов савдоси предметининг 20 фоиздан кам бўлмаслиги ёки кўрсатилган маблағларни тақдим этиш бўйича банк кафолати, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш базалари, меҳнат ресурслари ва мутахассисларига, танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш бўйича иш тажрибаси, шартнома тузиш бўйича фуқаролик ҳуқуқдорлиги ва ваколатларига эга бўлиш.

Танлов савдосида мамлакатимиз ва хорижлик қурилиш ташкилотлари қатнашган ҳолларда танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нархга оид имтиёзлар кўзда тутилган: улар бўйича импорт қилувчилар қонунчилигига мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод қилинадиган тақдирда

танлов иштирокчиларининг танлов таклифлари ишлар (хизматлар)ни импорт етказиб беришда кўрсатилган солиқ суммасига қўшимча ҳисобланган ҳолда баҳоланади.

Иштирокчи тендерда қатнашиш тўғрисидаги таклифи ва танлов ҳужжатлари бўйича сўровномалар билан танлов ташкилотчиси Тошкент шаҳар қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказининг қуйидаги манзили бўйича мурожаат этиши мумкин: Тошкент шаҳар Абай кўчаси, 6-уй, 705-хона.

Тел.: 71-244-12-17, 71 244-07-65.

Тасдиқланган тендер ҳужжатларини буюртмачи томонидан жойлаштирилаётган давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталидан юклаб олиш мумкин.

Таклифлар тендер ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда www.xarid.uz махсус ахборот порталида эълон берилган санадан бошлаб 15 календар кун мобайнида қабул қилинади.

Оферталарни очиш www.xarid.uz махсус ахборот порталида эълон берилган кундан бошлаб 15 кундан кейин амалга оширилади.

БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси

ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Объект номи: Тошкент шаҳар Чилонзор тумани, Нурхон кўчаси, 21-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг бино ва иншоотларини реконструкция қилиш.

Объектнинг бошланғич нархи – 7 420 310 109 сўм ҚҚС билан.

Ишларни тугаллаш муддати – 210 кун.

Буюртмачи: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси.

Молиялаштириш манбаи: Давлат бюджетини маблағлари ҳисобидан.

Манзил: Тошкент шаҳар Чилонзор тумани, Нурхон кўчаси, 21-уй.

Тендер иштирокчилари иш (хизмат)ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига, етарли касбий ва техникавий малакага эга бўлган мутахассисларга, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлишлари шарт.

Таклифларни баҳолашда иштирокчиларнинг тендер таклифлари, қонун ҳужжатларига мувофиқ, қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган импорт қилувчиларнинг товар (иш, хизмат)лари қўшилган қиймат солиғи суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Иштирокчи тендерда қатнашиш тўғрисидаги таклифи ва тендер ҳужжатлари бўйича сўровномалар билан тендер ташкилотчиси Тошкент вилояти қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказининг қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиши мумкин: Тошкент шаҳар А. Навоий кўчаси, 18-уй.

Телефон (факс): 71-241-15-26, 71-241-15-37.

Иштирокчилар тасдиқланган тендер ҳужжатларини буюртмачи томонидан жойлаштирилаётган давлат харидлари бўйича <https://dxarid.uzex.uz> махсус ахборот порталидан юклаб олишлари мумкин.

Таклиф (оферта)лар очилиши <https://dxarid.uzex.uz> махсус ахборот порталида эълон чоп этилган санадан бошлаб 15 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Нурхон кўчаси, 21-уй.

ВНИМАНИЮ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ!

АО «TANIYATOSH IES»

ОБЪЯВЛЯЕТ ТЕНДЕРНЫЕ ТОРГИ

по объекту: «Перепрофилирование объекта путем расширения медико-санитарной части на 100 мест в строительство «Амбулаторно-диагностического центра» со швейным цехом в МСГ «Тахиаташ» по ул. Ташаузская Тахиаташского района».

Предельная стоимость заказчика составляет:
18 151 181 349 сум без учета НДС;
20 873 858 552 сум с учетом НДС.
Срок окончания работ, установленный заказчиком – 357 дней.

Источник финансирования проекта: за счет собственных средств АО «Тепловые электрические станции».

Заказчик: АО «TANIYATOSH IES».

Расположенный по адресу: Тахиаташский район, г. Тахиаташ, п/о 6 а.

В тендере могут участвовать:

- отечественные и зарубежные строительные организации, предприятия и фирмы, заявившие о своем намерении участвовать в тендере на предложенных условиях;
- участие в тендерах объединений юридических лиц (консорциумов) не допускается (см. ИТТ).

К участию на участие в тендере предъявляются следующие квалификационные требования:

- наличие оборотных средств, в размере не менее 20% от стоимости предмета тендера или поручительстве банка на предоставление указанных средств, производственной базы, трудовых ресурсов и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг);
- гражданская правоспособность и полномочия на заключение договора;
- наличие опыта работ за последние три года по аналогичным объектам и объемам тендера;
- предоставление сведений о ранее выполненных объемах работ собственными силами, намечаемом объеме работ, планируемом к выполнению собственными силами на объекте тендера (в процентах).

Если деятельность, связанная с выполнением работ (услуг), являющихся предметом тендера, подлежит лицензированию в соответствии с законодательством, к участию в тендере допускаются участники, обладающие соответствующей лицензией, выданной в установленном порядке (см. ИТТ).

Не допускаются к участию в процедурах тендера участники:

- учрежденные менее 6 месяцев до объявления тендера;
- находящиеся в состоянии судебного или арбитражного разбирательства с заказчиком;
- зарегистрированные в государствах или на территории представляющих льготный налоговый режим и/или не предусматривающих раскрытия и предоставления информации при проведении финансовых операций (оффшорные зоны), а также на счет нерезидентов в банках, находящихся в оффшорных зонах;

- находящиеся в Едином реестре недобросовестных исполнителей;

- имеющие задолженности по уплате налогов и других обязательных платежей;

- находящиеся на стадии реорганизации (разделение, слияние), ликвидации или банкротства, на имущество которых наложен арест, а также имеющих непосредственную организационно-правовую или финансовую зависимость друг от друга, выраженную в форме актов учредительства, финансового участия, холдинга и других форм.

Требование ко всем документам, необходимым к подготовке и подачи тендерного предложения, отражены в тендерной документации, в том числе формы и образцы для заполнения.

Подача предложений является свидетельством того, что участник тендера ознакомился с вышеупомянутыми материалами, и у него нет вопросов по отношению к объемам работ, материалов, конструкции и прочих условий, влияющих на выполнение работ, предусмотренных проектом.

Для получения тендерной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торга – Консалтинговому центру по организации конкурсных торгов в строительно-ремонтной сфере Каракалпакстан по адресу: г. Нукус ул. Гареэсизлик, 59 «а» (блок 2, 1-этаж, кабинет №1).

Тел.: 61-222-96-25, факс: 61-222-74-12.

Электронная почта: radik_1987@list.ru

Стоимость одного комплекта тендерной документации – 223 000 сум.

Участники тендерных торгов имеют право обращаться заказчику (организатору тендерных торгов) по предоставлению им проектной документацию, в т.ч. графическую часть (чертежи) для изучения и составления тендерного предложения.

При этом, Заказчик обязан предоставлять проектную документацию, в т.ч. графическую часть (чертежи оригинал или электронная версия) участникам тендерных торгов по первому их требованию.

Оферты принимаются организатором торгов по вышеуказанному адресу.

Крайний срок представления оферт организатору торгов до 10.10 часов 6 мая 2020 года.

Вскрытие оферт состоит в здании Министерства строительства Республики Каракалпакстан по адресу: г. Нукус, ул. Гареэсизлик, 59 «а» (блок 2, 1-этаж, кабинет №1).

БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича Инжиниринг компанияси» ДУК Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси

ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

№	Объект номи ва жойлашган манзили	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚС билан, сўмда	Қурилиш муддати
1.	Тайлоқ туманидаги Ўзбекистон ветеринария илмий-тадқиқот институти ҳудудида мавжуд оқава сувларни тозалаш иншооти таъмирлаш қувватлар доирасида оқава сувларни тозалаш иншооти ўрнатиш ва иншоотдан кўп қаватли уйлар қуриладиган ҳудудга оқава сув тармоғини тортиш	5 402 813 536	180 кун
2.	Тайлоқ тумани, «Муборак» МФЙдаги мавжуд «Қўрғонча» сув иншоотини реконструкция қилиш ва кўп қаватли уйлар қуриладиган ҳудудга ичимлик сув тармоғи тортиш	1 554 982 583	120 кун
3.	Ургут туманидаги Мирзақишлоқ маҳалласидан қуриладиган оқава сувларни тозалаш иншоотидан кўп қаватли уйлар қуриладиган ҳудудга оқава тармоғини тортиш	3 492 348 321	150 ой

Буюртмачи: «Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича Инжиниринг компанияси» ДУК Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси.

Манзил: Самарқанд шаҳар, Кўксарой майдони, Д. 1-«А» уй.

Тел.: (66) 233-19-57.

Молиялаштириш манбаси: давлат бюджетини маблағлари ҳисобидан.

Тендер иштирокчилари иш (хизмат) ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлигига, мутахассисларнинг етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлишлари шарт.

Таклифларни баҳолашда иштирокчиларнинг тендер таклифлари қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган импорт қилувчилар-

нинг товар (иш, хизмат) лари қўшилган қиймат солиғи суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Иштирокчи тендерда қатнашиш тўғрисидаги таклифи ва тендер ҳужжатлари бўйича сўровномалар билан тендер ташкилотчиси Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказининг қуйидаги манзили бўйича мурожаат этиши мумкин: Самарқанд шаҳар Кўксарой майдони 2-«Д», 403-хона.

Тел.: (66) 233-50-76, 233-32-00, 231-13-51.

Тасдиқланган тендер ҳужжатларини буюртмачи томонидан жойлаштирилаётган давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталидан юклаб олиш мумкин.

Таклиф (оферта)лар очилиши dxarid.uzex.uz махсус ахборот порталида эълон чоп этилган санадан бошлаб 15 кундан кейин, қуйидаги манзилда ўтказилади: Самарқанд шаҳар Кўксарой майдони 2-«Д», тендер ташкилотчиси биноси.



Муқаддас ой мадориғи

Барчамиз орзиқиб кутувчи муқаддас Рамазон ойи эзгулик, меҳр-мурувват, хайр-саховат, диёнат айёми саналади. Бугунги кунда кузатилаётган синовли вазият Рамазон ойида ҳам ўзига хос ёндашувни талаб этмокда.

ЎЗА мухбири Назокат УСМОНОВА Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг биринчи ўринбосари Ҳомиджон ИШМАТБЕКОВ билан шу ҳақда суҳбатлашди.

– Дастлаб, Рамазон ойи қачон бошланиши ҳақида тўхталиб ўтсангиз.

– Бисмиллаҳир роҳманир роҳим. Рамазони шариф ойи ҳадиси шарифга биноан ҳилолнинг кўриниши билан бошланади. Шу кунларда Ўзбекистон мусулмонлари идораси Рамазон ойи ҳилолнинг кўриниши қайси кунга тўғри келишини аниқлаш борасида зарур чора-тадбирларни амалга оширмокда. Жумладан, бу борада Абу Райҳон Беруний номидаги Астрономия институти мутахассислари билан ҳамкорлик қилинмокда. Қолаверса, хорижий ва кўшни давлатлар диний идораларининг ушбу масала юзасидан фикрлари ўрганилмокда. Хусусан, кўшни Қозғистон ва Қирғизистон Республикалари диний идоралари масъуллари билан айнан шу масалада видеомуроқот ташкил қилдик. Иншааллоҳ, яқин кунларда 2020 йилги Рамазон ойининг қайси куни бошланиши эълон қилинади.

– Маълумки, ёшу қари рўза тутишни ният қилади. Карантин пайтида эса иммунитетни тушириб юбормаслик, тез-тез кўлни ювиб, баъзан оғиз чайиб туриш кераклиги ҳақида айтилмокда. Бундай вазиятларда тавсиялар, айнан карантин билан боғлиқ шароитда рўза тутмаган кишилар нима қилади?

– Аллоҳ таоло бандага унинг тоқати етмайдиган нарсаларни юкламайди. Рўза ибодатида ҳам худди шундай енгилликлар мавжуддир. Аллоҳ таоло рўза тутишга қуввати етмайдиган тоифадаги инсонларга рўза тутмасликка рухсат берган. Улар – рўза тутишга ярамайдиган қариюлар, сурункали касаллар, соғайиши умид қилинмайдиган касаллар. Бу тоифадагилар ҳар бир кун учун фидя тўлайдилар. Мазкур тоифадан ташқари, ҳомилдор ва эмизикли аёллар агар рўза тутиш ўзи ва боласига зарар бўлса, шунингдек, мусофирлар шу кунларда тутмаслиги мумкин. Бу тоифадагилар кейинчалик кунга кун рўзанинг қазосини тутиб берадилар.

Ҳозирги кунда бутун дунёни қамраб олган короновирус пандемияси сабабли рўза тутишда қуйидаги маълумотларни тақдим этамиз. Буни Миср фатво ҳайъати ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида эълон қилди.

Коронавирус касалига чалинмаган, рўза тутиш шартлари тўлиқ топиладиган соғлом кишилар рўза тутишлари фарздор. Чунки рўза айримлар ўйлаганидек иммунитетни қаматирмайди, аксинча, иммунитетни кучайтиради.

Вирусни юқтирган беморларга келсак, агар (диёнатли, адолатли, бу борада чуқур билимга эга) шифокорлар рўза бу беморларга зарар қилади, десалар, бу ҳолатда бемор ўзининг ҳаётини сақлаб қолиш учун шифокор буйруғига бўйсунуши лозим бўлади. Чунки бундай ҳолатда инсон ҳаётини сақлаб қолиш рўзадан муқаддам туради.

Вирусага чалинмаслик учун тавсия қилинаётган «тез-тез кўлни совунлаб ювиш, антисептик воситалар билан кўллари тозалаш кераклиги» рўзага таъсири йўқ, яъни бу ишлар билан рўза очилмайди. Оғизни чайиб туриш эса агар сув оғиз ичига ўтиб кетмаса, у ҳам рўзани очмайди.

– Халқимиз саховатли, айниқса, рўза кунларида эҳсон қилгиси келади. Бу йилги закот, фитр ва фидя садақалари миқдори аниқми?

– Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво ҳайъати 1 грамм тиллонинг бугунги кундаги ўртача нархи 250 минг сўм эканини эътиборга олиб, милодий 2020 йил (ҳижрий 1441 йил) учун ЗАКОТ нисобини (85 грамм тилло) 21 миллион 250 минг сўм деб белгиледи. Мазкур қийматнинг қирқдан бири (1/40), яъни 531 минг 250 сўмга тенг бўлади.

Шунга кўра, зарурий эҳтиёждан ташқари бир йил давомида 21 миллион 250 минг сўмдан ортиқ маблағга эга бўлган киши, жами маблағининг қирқдан бирини закот сифатида камбағал ва фақирларга беради.

Фитр миқдорида келсак, маълумки, фитр садақаси Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларига биноан тўрт нарсадан чиқарилади. Улар буғдойдан ярим соъ ёки арпадан бир соъ, ёхуд майиздан ярим соъ, хурмодан бир соъдир. Бир соъ тақрибан (≈) 4 килограммдир. Айни пайтда, мазкур нарсаларнинг нархлари ўрганилмокда. Тез кунда сўмдаги миқдори баён қилинади.

Фидя миқдори ҳақида тўхталадиган бўлсак, унинг миқдори бир мискиннинг бир кунлик озиқ-овқати баробарида бўлиб, унинг сўмдаги қиймати фитр миқдори аниқ бўлиши билан маълум бўлади.

– Рамазон эҳсонини хайрия марказларига бериш ҳақида айтилмокда. Бунинг тартиби қандай бўлади. Тақсимооти қанақа бўлади? Кимларга берилади, алоҳида йиғиладими?

– Закот – Ислоннинг бешта асосий устунларидан учинчисидир. Мол-мулки шариат белгилаб қўйган маълум миқдорга, яъни нисобга етган мусулмон киши ҳижрий-қамарий бир йил ўтиши билан аслий ҳожатларидан ортиқча маблағининг қирқдан бир қисмини, яъни 2,5 фоизини шаръан белгиланган жойларга бериши фарзи айндыр.

Закотнинг шартли иккитадир. Биринчиси – закот олувчига закотни мулк қилиб бериш, яъни ўша берилаётган мол-мулк олувчининг моли бўлмагунча закот адо бўлмайди. Шунинг учун ҳам закотни кўприк, йўл, сув омбори каби кўпчилик фойдаланадиган нарсаларга сарфланмайди. Иккинчиси эса – закот миқдорини молидан ажратиш пайтида ёки фақирга беришда закот, деб ният қилишдир.

Закот кимга берилиши ҳақида Қуръони каримда очик баён қилинган бўлиб, жумладан, шундай дейлади: «Албатта, садақаларни фақат фақирлар, мискинлар, унда (садақа ишида) ишловчилар, диллари ошна қилинувчи (кофир)лар, (пул тўлаб озод этилувчи) қуллар, қарздорларга ва Аллоҳ йўлида ҳамда йўловчига (мусофирга бериш) Аллоҳ (томони)дан фарз (этилли). Аллоҳ илмли ва ҳикматли зотдир» (Тавба сураси, 60-оят).

Демак, закот бериладиган саккиз тоифа инсонлар бор. Булар фақир – моли нисобга етмаган шахс, мискин – ҳеч нарсаси йўқ киши, закот йиғиш ишида банд бўлганлар, диллари Ислонга ошно қилинувчи ғайри динлар, мукотаб қуллар. Шунингдек, агар зим-

масидаги қарзини берса, пули нисобдан камайиб қоладиган қарздор киши, Аллоҳ йўлида юрганлар (бунда асосан муҳтож бўлиб қолган ҳожилар тушунилади), йўлда қолганлар (моли бору ўзи билан бирга эмас) ҳам шу тоифага киради.

Юқорида санаб ўтилганлардан икки тоифаси: «диллари Ислонга ошно қилинувчилар» ва «мукотаб қуллар» бугунги кунда мавжуд бўлмаганлиги учун закот бериладиганлар қаторидан чиқарилган.

Закотни вақил орқали ҳам муҳтожларга бериш мумкин. Пайғамбар алайҳиссалом даврларида ва ундан кейинги пайтларда закот йиғиш ишида банд бўлган муҳтос кишилар тайинланар, мулкдор мўмин-мусулмонлар ўша закот моллари йиғилиб, муҳтож оилаларга тарқатилар эди. Ҳозирги кунда ҳам кўплаб хайрия марказлари ташкил этилган бўлиб, жамиятдаги муҳтож қатламни қўллаб-қувватлаб келишмокда. Жумладан, Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг қошида «Вақф» хайрия жамоат фонди ташкил этилган. Ушбу хайрия жамоат фонди закот ва фитр садақаларни йиғиш ва ўз эгаларига топширишни айни шариатимиз кўрсатмаларига мувофиқ амалга оширмокдалар. Шунингдек, ҳозирда мўмин-мусулмонларимиз бошқа хайрия марказларини вақил қилиш орқали ҳам закотларни адо этишлари мумкин. Бунда, ўша хайрия марказлари закот сифатида жамғарилган маблағларга алоҳида ҳисобга олишлари ва юқорида санаб ўтилган закот бериш мумкин бўлган қатламгагина тақдим этишлари лозим бўлади.

– Карантин даврида Рамазон ҳайити намози қандай ўқилади?

– Карантин пайтида Рамазон ҳайитини ўқиш мусулмонлар зиммасидан соқит бўлади. Уни уйда жамоат бўлиб ҳам, ёлғиз ҳолда ҳам адо қилинмайди. Чунки Рамазон ҳайитининг адо қилиниши ва дуруст бўлиш шартлари жума намозининг шартлари кабилар. Карантин пайтида жума намозини адо қилиш шартлари топиламайди.

Маълумки, вирусли касалликлар эпидемияси сабабли карантин эълон қилинса, мўмин-мусулмонларнинг жонини саломат сақлаш учун динимиздаги жамоавий ибодатларнинг ҳукми ўзгаради. Яъни, жамоат бўлиб ибодат қилиш касаллик тарқалишига шароит яратгани учун, ҳар бир мусулмон ўз уйда оила аъзолари билан ибодатларни адо қилади. Яқинлашиб келаётган Рамазон ойидаги Таровеҳ намози суннат намозларидан бўлгани сабабли, уни ҳам уйда адо қилинади.

Жамоавий ибодатлар ичида жума намози адо қилишнинг ўзига хос ҳукмлари бўлиб, уни уйда ўқишнинг иложи йўқ. Шунинг учун жума намози ўрнига одатдагидек пешин намози ўқилади. Икки ийд намозининг адо қилиниш ва дуруст бўлиш шартлари ҳам худди жума намозиники кабилар.

Карантин ҳолатида ийд намози ўқилмасида, ҳайит кунлари қилинадиган бошқа савобли амаллар бор. Йиди Рамазон кечаси ҳам муборак кечалардан ҳисобланади. Бу кечани ибодат, зикр тасбеҳ билан ўтказиш мақсадга мувофиқ. Йид куни покланиш, хушбўйиланш, янги тоза кийимларни кийиш, энг асосийси хурсандчилигини ихдор қилиш суннатдир. Ҳайит куни қуёш чиққандан кейин Эзуҳ, Чоштоҳ каби нафл намозларни адо қилиб, Аллоҳ таолодан офият ва ҳожатларини сўраш чиройли амаллардан.

Ҳозирги шароитда барчамиз иттифоқ бўлиб, шариятимиз кўрсатмаларига амал қилишимиз, Аллоҳ таолонинг синов-имтиҳонларидан гўзал суратда ўтишга ҳаракат қилишимиз лозимдир. Нафл ибодатлар, тиловати Қуръон, дуо-тасбеҳлар, қийин шароитда қолганларга хайру эҳсон қилиш каби Аллоҳ таолога хуш келадиган амалларни кўпайтириш, айни муддао. Бошимизга келган синовни ҳам савоб ишлаш учун ғанимат фурсатга айлантирайлик. Шо-ядки, Аллоҳ таоло тез кунларда фазилатли, катта жамоатларда намозларни адо қилишни насиб айласа, халқимизга хотиржамликни қайтарса. Аллоҳ таоло дунё халқлари, жумладан, халқимиздан ушбу бало-офатларни узоқ қилсин! Омин!

– Мазмунли суҳбатингиз учун катта раҳмат!

Маълумки, 75 йил аввал фашизм устидан ғалаба қозонилган. Инсоният тарихидаги энг даҳшатли, энг қонли урушда қаҳрамонлик, мардлик ва жасорат намунасини кўрсатган қанчадан-қанча ҳамюртларимиз оиласи бағрига қайтмади, қайтганларининг кўпчилиги ярадор ва ногирон эди. Бироқ, шунга қармай, халқимизнинг қадди букилмади, дориломон кунларга етиб келгунча бардош қилди.

ҒАЛАБА БОҒИ қурилишида пойтахт энергетикларининг ҳиссаси



Бугун мамлакатимиз аҳолиси тинч ва тотув ҳаёт кечирмокда. Барча саъй-ҳаракатлар Ватанимиз равнақи, фарзандларимиз келажига қаратилган. Тинчлик учун азиз жонидан кечган, бугунги мусаффо осмонимиз учун мардонавор курашган ватандошларимиз хотирасини абадийлаштириш, қолаверса меҳнат фронтда жонбозлик кўрсатган фахрийларимизга алоҳида эътибор ва эҳтиром кўрсатишга қаратилган чора-тадбирлар юртимизда инсон хотираси азиз ва муқаддас, қадри улугъ эканидан далолатдир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йилнинг 23 октябрдаги «Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 75 йиллигини муносиб нишонлаш тўғрисида»ги қарори асосида Тошкент шаҳрининг Олмазор туманида Ғалаба боғини унинг таркибига кирадиган барча иншоот ва бинолар билан биргаликда тўла қуриб битказиш ҳамда мажмуага туташ худудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш чораларини кўриш вазифаси белгиланган. Ушбу топшириқ асосида «Toshkent shahar elektr tarmoqlari korxonasi» AJ томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмокда.

Хусусан, «Электрқишлоққурилиш» МЧЖга қарашли МК-5 пудратчи ташкилотнинг бригадаси билан ҳамкорликда Ғалаба боғи худудидан ўтувчи 110 кВли ҳаво электр узатиш тармоқларини кабель тармоқларига алмаштириш бўйича лойиҳалаш ва қурилиш-монтаж ишлари олиб борилади.

Бундан ташқари, Олмазор тумани электр таъминоти корхонаси ишчи-ходимлари томонидан мазкур худудга 2 та 630/10 кВ кучланишли трансформатор подстанцияси ўрнатилиб, 10 кВли юқори кучланишли кабеллар ётқизилди. Айни пайтда яна 3 км кабель тармоқлари ҳамда 2 та 630/10 кВ кучланишли трансформатор подстанцияси ўрнатиш ишлари жадаллик билан олиб борилмакда.

Маълумот ўрнида шуни айтиб ўтиш жоизки, юртимиз равнақи йўлида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар «Худудий электр тармоқлари» акциядорлик жамиятнинг барча туман ва шаҳар электр таъминоти корхоналари томонидан белгиланган чора-тадбирлар асосида амалга ошириб келинмокда.

Дилфуза ҲАБИБОВА,
«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.

УВЕДОМЛЕНИЕ

В извещении, опубликованном в газете «O'zbekiston bunyodkori» в газете «O'zbekiston bunyodkori» №26 от 10 апреля 2020 года, дату проведения аукционных торгов вместо 12 мая 2020 года, читать 15 мая 2020 года. Повторные аукционные торги будут проводиться каждую пятницу в указанное время.

Реквизиты: ООО «PRIME REALTY» р/с 2020 8000 7007 6599 0001 в АКБ «InFinBank», МФО 01041 ИНН 304 844 964. Телефон: 998-580-112. E-mail: info@primerealty.uz.

Услуги лицензированы. Номер лицензии RR 0285.

Тузатиш

«O'zbekiston bunyodkori» газетасининг 2020 йил 14 апрелдаги 27-28 (376-377)-сонидан чоп этилган «Амударё» ҳавзаси сув ҳўжалиги бирлашмаси тендер эълонидаги: «Таклифларни очиш тендер эълон қилинган санадан бошлаб 15 (ўн беш) кундан кейин, 2020 йил 23 апрель куни соат 11.00 дан бошлаб бўлиб ўтади. Манзил: Урганч шаҳар, Аз-Замашарий кўчаси, 63-уй.» деб ўқилсин.

Тузатиш

«O'zbekiston bunyodkori» газетасининг 2020 йил 14 апрелдаги 27-28 (376-377)-сонидан чоп этилган Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ҳўзуридаги «Инфратузилмани ривожлантириш бўйича инжиниринг компанияси» ДУК Хоразм вилояти филиали тендер эълонидаги: «Таклифларни очиш тендер эълон қилинган санадан бошлаб 15 (ўн беш) кундан кейин 2020 йил 24 апрель соат 11.00 дан бошлаб бўлиб ўтади. Манзил: Урганч шаҳар, Ёшлик кўчаси, 24-уй.» деб ўқилсин.

Газетанинг навбатдаги сони 2020 йил 24 апрель куни чиқади.

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
Строитель Узбекистана

Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

Бош директор – Дилшод Жалолов

Тахрир хайъати:
Ботир Закиров (Тахрир хайъати раиси),
Козим Тўляганов, Эркин Искандаров, Ботир Зарипов,
Юлдаш Мағрупов, Жамшид Исмаилов,
Ғолибжон Маджидов, Қудратбек Хошимбеков.

Тахририят:
Бош муҳаррир
Саҳифаловчи
Мусахҳиҳ
Дилшод Жалолов
Акмал Махкамов
Райҳон Таниқулова

«Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ муассислари:
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги,
«Ўзсанотқурилишматериаллари» уюшмаси,
«ЎзГАЗКЛИТИ» ДУК, «ЎзШаҳарсозликЛИТИ» ДУК,
«Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ,
«ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

Тахририят манзили:
100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.
Телефонлар: 71-244-21-71 (кабулхона), 71-244-05-15 (копият),
71-244-15-13 (тахририят), 71-244-22-10 (бухгалтерия),
71-244-40-68 (реклама ва обуна бўлими).
E-mail: uzbunyodkori@mail.uz

Вилоят мухбирлари телефон рақамлари:
Андижон, Наманган ва
Фарғона вилоятлари бўйича: 90-278-95-87.
Қорақалпоғистон Республикаси ва
Хоразм вилояти бўйича: 97-459-74-85.
Самарқанд вилояти бўйича: 95-560-30-45.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбўт ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466. Ёйортма – Г-453.
2164 нусхада босилди. Қўғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган.
Баҳоши келишилган нарҳда. ISSN 2181-8762.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва мўаллифга қайтарилимайди.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри, «Буюк Тўрон» кўчаси, 41.
Навбатчи муҳаррир – Д. Жалолов.
Навбатчи – Б. Гулямов.
ЎЗА яқуни – 00.30. Топширилди – 01.00.